

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, AVGUST,
№ 15-16 (573-574)

BUKHORO YOSHILARI

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”



Ватанга муҳаббат баландпарвоз сўзларда эмас, ҳар куни қилинган ҳалол меҳнат, яхши ўқиш ва эзгу амалларда намоён бўлади. Юртнинг ҳар бир ютуғи — унинг ёшлари учун ғурур, ҳар бир муаммоси эса янги ташаббус ва ҳаракат учун даъватдир. Мустақиллик бизга эркинлик, ўз келажагини ўз қўлимиз билан бунёд этишдек буюк масъулиятни берди. Шу боис, ёш авлод қалбида миллий ғурур, Ватанга садоқат ва юксак мақсадлар ҳамиша устувор бўлиши керак. Бугунги орзуларимиз эртанги Ўзбекистоннинг янги саҳифаларига айланишига ишончимиз комил. Токи, юртимиз осмони мусаффо, байроғимиз баланд, ёшларимизнинг қадамлари эса доимо олдинда юрсин! Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги муборак бўлсин!



Имконият, ташаббус ва натижага айланган

ЁШЛАР СИЁСАТИ



Шавкат Раҳмонов,
Бухоро вилояти Ёшлар ишлари
бошқармаси бошлиғи.

Бухорода ёшларга яратилаётган шароитлар, уларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар ана шу эзгу ғоянинг амалий ифодаси бўлиб бормоқда. Вилоятда ёшларга бизнес бошлаш учун — кредит, ер, касб ўрганиш учун — таълим, истеъдодини намоён этиш учун — танлов, китоб ўқиш учун — муҳит, спорт билан шуғулланиш учун — майдон, энг муҳими, ўз ғоясини амалга ошириш учун имконият берилмоқда.

Ёшларни ер билан таъминлаш орқали уларнинг бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида 4 360,4 гектар ер 16 023 та лот шаклида савдога чиқарилди. Уларнинг 15 265 таси, яъни 4 114,1 гектари ёшлар томонидан ютиб олинди. Демак, ер энди фақат мулк эмас, балки ёш учун ўзини-ўзи банд қилиш, оилавий даро-

мадини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкониятидир.

“Ёшлар дафтари” – тақдирлар харитаси

“2026 йилда Бухоро вилоятида 611 нафар ёш “Ёшлар дафтари”га киритилди. Уларнинг 476 нафарига 14 миллиард 200 миллион сўм миқдорида кўмак кўрсатилди. Яна 135 нафар ёшни қўллаб-қувватлаш жараёни давом этмоқда.

Бу тизимнинг аҳамияти шундаки, ҳар бир ёшнинг муаммосига алоҳида ёндашилмоқда. Кимгадир касб ўрганиш, кимгадир тадбиркорликни бошлаш, яна кимгадир ижтимоий

кўмак керак. Муҳими, ёшлар ўз муаммоси билан ўзи ёлғиз қолмаяпти.

(давоми 5-бетда)

13 та МЕДАЛЬ: 3 та ОЛТИН, 5 та КУМУШ ВА 5 та БРОНЗА

Бухоро ёшлари республикада медаллар сони бўйича
2-ўринни эгаллади

Тошкент шаҳридаги “Humo Arena” мажмуасида Президент соврини учун илк бор ташкил этилган “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касбий маҳорат миллий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловнинг республика босқичида Бухоро вилояти шарафини ҳимоя қилган ёшлар юқори натижаларни қайд этди. Вилоят вакиллари 3 та олтин, 5 та кумуш ва 5 та бронза, жами 13 та медални қўлга кириштириб, ҳудудлар ўртасида медаллар сони бўйича фахрли 2-ўринни эгаллади.

Бухоролик иштирокчилар сартарошлик бўйича 1- ва 2-ўринларни, модалар технологияси (тикувчилик) бўйича 2- ва 3-ўринларни, ошпазлик ҳамда компьютер графикаси йўналишларида 2-ўринларни қўлга киритди. Қуруқ қурилиш ва сувоқ ишлари бўйича эса икки нафар иштирокчи 1-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, енгил автомобилларга техник хизмат

кўрсатиш йўналишида 2-ўрин, пайвандлашда икки нафар иштирокчи 3-ўрин ва сантехника бўйича 3-ўрин қайд этилди.

Мазкур натижа Бухоро вилоятидан танловда иштирок этган 13 нафар ёш ва уларга бириктирилган тажрибали устозларнинг билим, маҳорат ва фидокорона меҳнати самараси бўлди.

Танлов якунига кўра, ғолиблар ва юқори натижа кўрсатган иштирокчилар орасидан Ўзбекистон терма жамоаси шакллантирилиб, уларни “WorldSkills International” халқаро касбий маҳорат мусобақасига тайёрлаш белгиланди.

Бухоролик ёшларнинг республика миқёсидаги ушбу муваффақияти уларнинг касбий салоҳияти ва маҳорат даражаси юксалиб бораётганидан далолат беради. Энди улар олдида халқаро майдонда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа турибди.

АКБАР АЗАМАТЖОНОВ - “SUMMER CAMP 2026” ИШТИРОКЧИСИ

Бухоро давлат Техника университети
талабаси Хитойдаги “Summer Camp 2026”
халқаро таълим дастурида иштирок этди

Айни кунларда Хитой Халқ Республикасининг Хайнань провинцияси, Хайкоу шаҳрида жойлашган Хайнань университетида Бухоро давлат Техника университети Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Акбар Азаматжонов “Summer Camp 2026” халқаро таълим дастурида муносиб иштирок этди.

Халқаро дастур доирасида иштирокчилар хитой тили, Хитойнинг таълим тизими, иқтисодий тараққиёти, бой маданияти ҳамда замонавий ривожланиш тажрибаси билан яқиндан танишди. Шунингдек, дастур иштирокчилари халқаро

академик алмашинув ва маданий мулоқотларда фаол бўлишди.

Бундай халқаро таълим дастурларида иштирок этиш ёшларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, янги тажриба орттириш, дунёқарабини кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, мазкур ташриф Ўзбекистон ва Хитой ёшлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба ва маданий қадриятлар алмашинувини ривожлантиришга хизмат қилади.

СМАРТФОНДАН

Бугун рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб бораётган бир пайтда SMM ва мобилография каби замонавий касбларга талаб тобора ортмоқда. Бухоро давлат Тиббиёт институтида “SMM мактаби” ва “Ёш мобилографлар мактаби” битирувчилари иштирокида ўтказилган тақдирот тадбирида ёшларни рақамли касбларга тайёрлаш борасидаги натижалар намойиш этилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун Контент тайёрлаш маркази, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ёшлар ишлари бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда “Aloqabank” филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда йирик корхона ва ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар, ОАВ ходимлари, соҳа мутахассислари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун меҳнат бозорига ижтимоий тармоқлар билан ишлаш, контент яратиш, видео-монтаж ва рақамли коммуникацияларни яхши ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж юқори. Шу боис, лойиҳаларда ёшларга назарий билим билан бирга, амалий кўникмалар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“SMM мактаби” иштирокчилари контент стратегияси тузиш, мақсадли аудиторияни ўрганиш, матн ва визуал материаллар тайёрлаш ҳамда ижтимоий тармоқларни самарали юриштишни ўрганган бўлса, “Ёш мобилографлар мактаби”да смартфон орқали сифатли фото ва видео суратга олиш, кадр композицияси, ёруғлик ва монтаж бўйича амалий кўникмалар берилди.

ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАРГАЧА

Лойиҳа битирувчиларидан бири Наргиза Низомованинг таъкидлашича, курс давомида олган билимлари унга бу соҳани касб сифатида танлашга ишонч берган.

- Аввал ижтимоий тармоқлардаги контентни фақат томошабин сифатида қабул қилардим. Курс давомида эса ҳар бир пост ва видеонинг ортида аниқ мақсад ва стратегия борлигини англадим.



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

Олган билимларимни амалда синаб кўриб, ўзимга бўлган ишончимни оширдим, — деди битирувчи.

Тадбирда иштирокчилар томонидан тайёрланган медиа маҳсулотлар ҳам намойиш этилди. Уларда ёшларнинг ижодий ёндашуви ва ўзлаштирган амалий кўникмалари яққол акс этди.

Маълумотларга кўра, Бухоро вилоятида мазкур лойиҳалар доирасида 100 нафарга яқин SMM мутахассиси ва 100 нафардан ортиқ мобилограф тайёрланган. Уларнинг аксарияти курсдан сўнг ташкилот ва корхоналарда иш бошлаган, айримлари эса фриланс сифатида хизмат кўрсатмоқда.

Тадбирнинг энг муҳим лаҳзаларидан бири курсларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга сертификатлар топшириш маросими бўлди.

Аслида, бу сертификатлар ўқув жараёнининг якуни эмас, балки, ёшларнинг янги касбий босқичга қадами рамзи. Бугун смартфон орқали сифатли контент ярата оладиган, ижтимоий тармоқларни профессионал бошқарадиган ёшлар учун янги даромад ва карьера имкониятлари очилмоқда.

Зеро, рақамли даврда замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, сифатли контент яратадиган ва янги фикрлайдиган ёш мутахассислар ҳудуднинг ахборот ва иқтисодий салохиятини юксалтиришда муҳим кучга айланмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК – БУЮК ҚАДРИЯТ



имконини берди. Ўтган 35 йил миллий тикланиш, давлат қурилиши ва тараққиётнинг муҳим босқичига айланди.

Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, илм-фан ва маънавий соҳаларидаги кенг кўламли ислохотларнинг мустаҳкам замини — давлат мустақиллигидир. Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий давлатчилигимизни тиклаш, тарихий мерос ва қадриятларимизни асраш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш зорига айланди.

Бу йилги байрамнинг “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган бош ғояси халқ бирлиги, Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва бунёдкорлик каби юксак қадриятларни мужассам этган.

Бугун “Инсон қадри учун”, “Давлат — инсон учун” тамойиллари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда. Янги ишлаб чиқариш қувватлари, инвестиция лойиҳалари, ижтимоий объектлар барпо этилмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Энг муҳими, инсон манфаати ислохотларнинг марказига қўйилмоқда.

Тараққиётнинг асосий бунёдкори эса ҳалол меҳнат қилаётган инсон. Шу боис, касба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Бухоро вилояти касба уюшмалари томонидан мустақилликнинг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган тадбирлар ҳам ана шу мақсадларга қаратилган. “35

йилга — 35 кўчат”, “Эзгулик қарвони” каби акциялар, меҳнат жамоаларидаги маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва фахрийлар ҳолидан хабар олиш каби хайрли ишлар инсонпарварлик ва меҳр-оқибат қадриятларини мустаҳкамламоқда.

Зеро, мустақиллик — фақат тарихий сана эмас, балки ҳар қуни меҳнат, фидойилик ва масъулият билан асраб-авайланадиган буюк қадриятдир.

“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган ғоя халқимизни эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий кучига айланмоқда.

Ватан равнақиға қўшилган ҳар бир ҳалол меҳнат, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ҳар бир эзгу ташаббус — мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳиссадир.

Адолат Акрамова,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг Бухоро вилоят кенгаши
раиси ўринбосари.



Бугунги рақамли давр таълим тизими олдига янги талабларни қўймоқда. Замонавий технологиялар ва сунъий интеллект имкониятлари кенгайиб бораётган бўлса-да, таълимнинг марказида ҳамон ўқитувчи шахси туради.

Замонавий таълим: ўқитувчи, ўйин ва сунъий интеллект уйғунлиги

Глобаллашув шароитида чет тилларини, хусусан, рус тилини билиш ёшлар учун янги имкониятлар очмоқда. Шу боис, тил ўқитишда замонавий ва интерфаол методлардан фойдаланиш ўринли.

Айниқса, ўйин технологиялари ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини ошириб, уларни фаол мулоқотга ундайди. Ижроли ўйинлар, гуруҳли топшириқлар ва интеллектуал беллашувлар рус тили дарсларида луғат бойлигини кенгайтириш ва эркин фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бунда китоб муталааси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Китоб ўқувчининг тафаккури, нутқи ва танқидий фикрлаш қобилиятини бойитади.

Сунъий интеллект эса ўқитувчи учун қўшимча самарали восита бўла олади. У дарс ишланмалари, машқлар ва ғоялар тайёрлашда ёрдам беради. Бироқ унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш, ўқитувчи маҳорати билан уйғунлаштириш зарур.

Зеро, замонавий таълимнинг асоси — малакали ўқитувчи, самарали методлар, китоб ва технологияларнинг оқилона уйғунлигидир. Бугун берилган сифатли таълим — эртанги тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Севара Чўлиева,
Вобкент туманидаги 28-умумий
ўрта таълим мактабининг рус
тили фани ўқитувчиси.

Бугунги саҳифамиз меҳмонлари — “Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта-махсус ислом таълим муассасасида ёш авлодга илм ва маърифат улашадиган устоз ва ўқитувчилар. Улар мустақилликни фақатгина байрам эмас, балки, тинч осмон остида таълим бериш, эртанги авлодни тарбиялаш, илм ўргатиш ва Ватан келажигига ҳисса қўшиш имкониятидир, дея изоҳлашмоқда. Зеро, шукроналик тилдаги сўз билан эмас, ўз меҳнати, садоқати ва эзгу амаллари билан намоён бўлади. Бугун қўлида китоб, қалбида Ватан меҳри билан таълим бераётган ва таълим олаётган ҳар бир устозу шогирд ҳам мустақилликнинг энг гўзал меваларидир.

ЮРАГИМНИНГ ВАТАН, ДЕГАН ЖОЙИ БОР...

Ватан қаердан бошланади?
...Онамиз илк бор исмиимизни айтган ҳовлидан, ёзининг жазирасида чанг босган кўчасидан, болалигимиз қолиб кетган эски дарвозадан бошланади. Мактабга илк бор етаклаб борган йўлдан, отамизнинг дуосидан, онамизнинг дераза ортида кутиб қолган нигоҳидан бошланади.

Ватан — Бухоронинг қадим миноралари, Самарқанднинг мовий гумбазлари, Хиванин асрларга сир айтиб турган деворларидир. Ватан — Тошкентнинг бардоши, Фарғонанин яшиллиги, Сурхоннинг қўши, Қашқадарёнинг виқори, Хоразмнинг қадим нафаси, Қорақалпоқ диёрининг кенгликларидир. Ватан — Амударё ва Сирдарё, Зарафшон ва Орол, Ҳисор тоғлари-ю Қизилқумдир. У — тоши-ю тупроғи, тоғи-ю водийси, саҳроси-ю боғи, қишлоғи-ю шаҳри, кечаси-ю тонги билан кўзимизга тўтиё, юрагимизга яқин бўлган Ўзбекистондир.

Аммо, Ватан фақат Регистон, Арк ёки Ичан қалъа эмас. Ватан — саҳар туриб, даласига кетаётган деҳқон, синфхонасининг чироғини ҳаммадан олдин ёқаётган муаллим, беморнинг дардига дармон излаётган шифокор, китоб устида тунларни бедор ўтказаётган олим, фарзандини узоқ йўлга дуо билан кузатаётган она.

Ватан тушунчасининг, нақадар, табиий ва теран инсоний туйғу эканини диний-маънавий меросимиз ҳам кўрсатади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан айрилар эканлар, ўз она юрларига бўлган муҳаббатларини изҳор қилганлари ривоят қилинади: “Сендан кўра, менга севимлироқ ва суюклироқ шаҳар йўқ. Агар қавмим мени сендан чиқариб юбормаганида, сендан бошқа жойни макон тутмасдим”. Бу соғинчнинг замирида буюк бир ҳақиқат бор: инсон Ватанини фақат у ерда яшаётгани учун севмайди. Баъзан ундан узоқлашганда қалбининг қанчалик катта қисми ўша юрда қолганини англайди.

Чинакам Ватан туйғуси “меники”, деган тушунча кенгайиб, “бизники” деган

буюк маънога айланган жойдан бошланади.

Мен Ватан ҳақида ўйлаганимда, бу фикрларнинг барчаси баъзан биргина тонгга сиғиб кетади. Ҳар тонг ишга келарканман, узоқдан “Жўйбори Калон” мадрасасининг дарвозаси кўриниши билан беихтиёр тилимга зикр келади. Шукр айтаман. Аввало, яна бир тонгни кўрганим, тирикчилигим, оилам бағрида эканим, ўз Ватанимда, тинч осмон остида хотиржам меҳнат қилаётганим учун шукр айтаман. Балки, инсон бахт, деб излайдиган улкан тушунчаларнинг энг катталари, аслида, шундай оддий тонглар ичида яшириндир. Дунёда қайтадиган манзили бор инсон бахтлидир, дедик. Аммо, бизнинг вазифамиз Ватанимизни шундай асраш ва обод этишки, эртага фарзандларимиз ҳам дунёнинг қайси манзилида бўлмасин, юраги шу тупроққа талпинсин. Улар ҳам узоқ йўллардан қайтаётиб, Ўзбекистон сарҳадида қадам қўйганида юрагидан беихтиёр бир сўз ўтсин:

“Уйимга қайтдим...”

Ватан — қайтадиган манзилемизгина эмас,

У — биздан кейингилар ҳам қайтишни истайдиган манзил бўлиб қолиши керак.

Ситора Шамсиддинова,
таълим муассасаси таълим
сифатини таъминлаш сектори
бош мутахассиси.

БИР НЕЪМАТНИНГ ҚАДРИНИ АНГЛАБ...

Баъзан бир халқнинг озодлигини унинг чегараларига қараб эмас, саволларига қараб ҳам билиш мумкин: Биз киммиз? Қандай тафаккурнинг ворисимиз? Аجدодларимиз дунёга нима берди?

Бухоро, Самарқанд, Термиз, Насаф, Хоразм номлари нега жаҳон илм-фани тарихида муносиб ўрин эгаллаган? Энг муҳими, биз ана шу буюк тарихнинг муносиб давомчиларимизми? Мустақиллик бизга бу саволларга бировнинг мафкура-си билан эмас, ўз тафаккуримиз билан жавоб излаш имконини берди.

Бугун “Учинчи Ренессанс” ҳақида сўз юритар эканмиз, биринчи ва иккинчи уйғониш даврларини англамасдан, уни тасаввур қилиб бўлмайди. Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Улуғбек сингари алломаларнинг илмий мероси бугунги тараққиётимиз учун пойдевордир.

Собиқ тузум даврида тарихий-маънавий хотирамиз, эътиқодимиз ва диний-маърифий анъаналаримиз чекланган эди. Мустақиллик эса бу меросни қайта англашга йўл очди. Бугун Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд халқаро илмий-тадқиқот марказларида олиб борилаётган ишлар, қўлёзмаларни излаш ва илмий меросни тадқиқ этиш ана шу маънавий тикланишнинг муҳим ифодасидир.

Тарихимизда аёлларнинг маърифий ўрнини ҳам унутмаслигимиз керак.

Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Хонзодабегим, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби аёллар илм, ижод ва маданият ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Бугун қўлида китоб тутган ҳар бир қиз орасида эртанги устоз, тадқиқотчи, таржимон, олима ва келажак авлод тарбиячиси бор. Шу боис, қиз боланин қўлидаги китоб — бир авлоддан кейинги авлодга узатилаётган маърифат эстафетасидир.

Икки асрга шоҳид инсон сифатида Ватан бизга нима берганини яхши биламан. Аммо, биз Ватанга нима беряпмиз?

Мустақиллик байрами арафасидаги энг самимий шукрона шу саволдан бошланиши керак. Ватанни севиш доимо баланд овозда гапириш эмас. Шукримиз илмимизда, меҳнатимизда, фарзандларимиз тарбиясида, бир-биримизга муносабатимизда ва юртимизнинг эртанги кунига қўшаётган ҳиссамизда намоён бўлсин.

Мустақиллик бизга ўзлигимизни англаш имконини берди. Энди шу ўзликни муносиб келажакка олиб бориш — бизнинг авлод зиммасидаги Ватан қарзидир.

Нодира Раҳимова,
таълим муассасаси ўқув ишлари
бўйича директор ўринбосари,
шарқшунос.

ТАҚВИМНИНГ ЭРТАНГИ ВАРАҒИ

Мустақиллик ҳақида сўзлаганда, кўпинча ортга қараймиз: босиб ўтилган йўлни эслаймиз, эришилган натижаларни сарҳисоб қиламиз. Аммо, унинг қадрини англаш учун баъзан олдинга қарашнинг ўзи kifойа. Эртага ишга бориш, кузда ўқишни бошлаш, фарзандимизни олиёғоҳга ўқишга киритиш, илмий ишимизни якунлаш, уй қуриш, боғ яратиш, шогирд тайёрлаш каби оддий режалар ортида улкан неъмат бор. Инсон “эртага”, деб хотиржам гапира олиши учун бугун тинч бўлиши керак. Шу маънода тинчлик шунчаки осойишталик эмас, келажак ҳақида ўйлаш имкониятидир.

Ҳар бир тилнинг грамматикасида келаси замон бор. Афсуски, тарихда ҳар бир халқ ҳам ўз келажигини ўзи белгилай олмаган. Мустақилликнинг теран маъноларидан бири шундаки, у халқни тарихнинг шунчаки иштирокчисидан ўз келажигининг муаллифига айлантиради.

Бугун “курамиз”, “ўқиймиз”, “яратамиз”, “тарбиялаймиз”, “асраймиз”, деяётганимиз оддий грамматик ҳодиса эмас. Бу — ўз эртанги кунига эгалик қилаётган халқнинг тилидир. Мустақиллик — миллатнинг келаси замонни биринчи шахсда туслай олиш ҳуқуқидир.

“Жўйбори Калон” аёл-қизлар таълим масканида фаолият юритар эканман, қадимий мадрасаларимиз ҳақида ўйлаганимда, бир жиҳат мени доимо ҳайратга солади. Уларни бунёд этган инсонлар бу даргоҳларни фақат ўз замондошлари учун эмас, ҳали туғилмаган шогирдлар учун ҳам қурганлар. Ҳали ёзилмаган китоблар, келажак авлодлар учун жой қолдирганлар. Улар ўз меҳнатининг самарасини қанча авлод кўришини билмаган бўлсалар-да, барибир, яратганлар. Бугунги бунёдкорлик ҳам ана шу узвий масъулиятнинг давомидир.

Алихонтўра Соғуний: “Она Ватанини севиш ҳар бир кишининг қалбида ғайрат

ва шижоат уйғотади”, деганлар. Чин Ватан муҳаббати инсонни фақат ҳаяжонлантирмайди, балки ҳаракатга ундайди. Ўз вазифасини виждонан ва мукамал бажаришнинг ўзи ҳам Ватанга хизматдир.

Хуррият учун ортга қараб, шукр қилиш билан бирга, олдинга қараб, масъулиятни ҳис этиш ҳам муҳим.

Тақвимнинг эртанги варағи ҳали оппоқ. Унда қандай илм, қандай бунёдкорлик, қандай авлод ва қандай Ўзбекистон ёзилиши бугунги меҳнатимизга боғлиқ. Мустақиллик бизга ана шу саҳифага ўз қўлимиз билан ёзиш ҳуқуқини берди. Тинчлик эса қўлимизга қалам тутқазди. Бизнинг тақвимимизда эртанги варақ бор. Шукрона эса қаламни қўлга олишдир.

Мунира Ҳўжаева,
таълим муассасаси ўқув-услубий
бўлим бошлиғи.



Баъзан инсон ҳаётидаги энг буюк неъматларни оддий нарсалардан излайди. Эрталаб деразадан кириб келаётган кўёш нурини кўради, она тилида бемалол сўзлайди, ўз фикрини айтади, келажаги ҳақида орзу қилади. Қайси касбни танлаш, қаерда ўқиш ва ким бўлишни ўзи ҳал қилади. Аммо, шу оддий туюлган имкониятларнинг ортида Мустақиллик бор.



МУСТАҚИЛЛИК, ВАТАН

2026 йил — Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 35 йиллигини нишонламоқда. Бу 35 йил шунчаки рақам эмас, балки халқимизнинг ўзлигини англаш, ўз йўлини топиш ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш тарихидир.

Мустақиллик, аввало, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш имконини берди. Ўзбекистон ўз байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси ва миллий манфаат-

ларига эга суверен давлат сифатида намоён бўлмоқда. Янги шаҳарлар, замонавий таълим масканлари, рақамли технологиялар, тадбиркорлик имкониятлари ва ёшлар учун очилаётган янги йўллар мамлакатнинг келажак сари интилаётганидан далолат беради.

Айни пайтда инсон манфаатлари, очиқлик, қўшни давлатлар билан яхши муносабатлар, халқаро ҳамкорлик ва иқтисодий тараққиётга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг

юрагида жойлашган давлат сифатида минтақавий ва халқаро жараёнларда ўз овозига эга бўлиб бормоқда.

35 ёшга кираётган Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ўтган натижалардагина эмас, балки, келажакка ишонч билан боқаётган миллионлаб ёшларнинг кўзларида ҳам акс этади. Чунки Мустақиллик кечаги ғалаба эмас, у ҳар куни давом этадиган, ҳар бир авлод пешонасида янгидан ёзиладиган буюк неъматдир.

НОН ҲИДИ КЕЛГАН ТОНГ – ВАТАН ТАФТИ

Эрта тонгдан қўлимни куйдирган иссиқ тандир
нон исиди Ватаннинг қайноқ тафтини туйдим



- *Ассалому алейкум, нон келди-ми? - эрта тонгда нонвойхонага бориб сўрайман.*

- *Ҳа, мана, ҳозиргина келтиришди. Елим пакетга солмайман, уни эритиб юборади, - деди нонвой иккита нонни узата туриб, - Эҳтиёт бўлинг, кўлингиз куймасин, жуда иссиқ.*

“Жуда иссиқ”... Дўкондан чиқар эканман, шу жумла қўлогимдан кетмади. Нондек иссиқ яна нима бор экан бу оламда? Кўёшми? Йўқ, кўёш тагида кўп туриш ҳам зиён. Ёки қайноқ чойми? Йўғе-ей, қайноқ чой тилни куйдиради-ку! Балки, онанинг кучоғи, отанинг қувончи, Ватаннинг меҳри... Ҳа, Ватаннинг меҳри. Аммо, уни кўёшнинг тафти билан ҳам, қайноқ чойнинг ҳарорати билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Юртнинг иссиқлиги қалбни иллатади, кўнгилни қувнатади. Бу илиқлик дилда барҳаёт экан, инсон қаерга бормасин, ундан қанча узоқлашмасин, қайтиб келгиси келади бир жойи бўлади. У – Ватан!

Баъзан Ватан ҳақида ўйлаш учун катта воқеалар ҳам шарт эмас. Эрталаб эшикдан чиқиб, таниш кўчадан ўтиш, йўл-йўлакай саломлашадиган одамни кўриш, ўз тилида бир сўзини эшитишнинг ўзи кифоя. Масалан, қадрдон кўчаларимизда илиб қўйилган “Ягона

Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шioriини ўқиб, 35 йил ичида Ўзбекистон қамраб олган беҳисоб ўзгаришлар, ён-атроф чиройи, тоғу-тошларнинг салобатини кўз олдимизга келтирамиз. Уйимиз яқинида тўп тепиб юрган, қумларга буланиб ўйнаётган болажонларнинг қулгусидан завқ оламиз. Ўқувчиларнинг хавфсизлиги-ю, ёшларнинг беташвиш сайр қилиб юришидан, ота-оналаримизнинг ишга қўрқувсиз бориб келишларидан хавотирланмаймиз. Сувсизликдан, нонсизликдан қийналишимиз эса, ҳатто, тасаввуримизга ҳам сиғмайди. Негаки, меҳнат қилсак, мол-мулк ва ноз-неъматларни бемалол харид қила олишимизга ишонамиз. Чунки юртимиз тинч.

Қаердадир портлаш содир бўлиши ёки кимдир жароҳатланиши мумкинлиги ҳақида ўйламаймиз ҳам. Шукрки, юртимизда тотувлик ҳукмрон. Кўз тегмасин. Айрим давлатлардаги каби ҳокимият талашуви, уруш йўқ бизда. Ҳамд айтишга арзигулик бойлиқларимиз етарли. Асосийси, эркимиз қўлимизда ва бунинг қадрини билиб яшашнинг ўзи катта бахт.

Биласизми, биз шу тинчлик бахтини ҳар куни кўрамиз. У биз билан бирга нафас олади. Эрталаб эшикни очганимизда

қарши олади. Кеч тушиб, уйимизга қайтганимизда бағрига олади. Осида ҳаёт ичида бор жойда бола беғам қулади, она хотиржам меҳр кўрсатади, ота эса эртанги кун учун режа тузади.

Биз бўлсак, кўпинча кўз ўнгимиздаги мўъжизаларни оддий ҳол, деб қабул қиламиз. Осмонга қараб, унинг мусаффолигидан ҳайратланмаймиз. Кўчаларда одамларнинг шошиб-қайтиб юрганига, бозорларда савдо-сотик қизғинлигига, мактабларда кўнгириклар чалинаётганига, даладарда меҳнат қайнаётганига одатланиб қолганмиз. Аслида эса буларнинг ҳар бири тинч ҳаётнинг майда, лекин, қимматли ва қийматли белгиларидир.

Ватанни севиш ҳам эҳтимол, шу оддий нарсаларни қадрлашдан бошланар. Унинг тупроғини ўпиш, баландпарвоз қасамлар ичиш ёки ҳар куни “Ватан” сўзини такрорлаш шарт эмас. Ўз ишингни сидқидилдан бажариш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, кўчадаги дарахтларни асраш, баланинг қўлидан тутиб, йўлдан ўтказиш, кексаларни ҳурмат қилиш, она тилидаги бир сўзини асраб-авайлаш ҳам Ватанга бўлган муҳаббатнинг бир кўриниши.

Ватан фақат харитадаги чегаралардан таркиб топмаган. У тонгда деразамиздан тушган нур, тандирдан чиққан иссиқ нон хиди, онамизнинг “болам”, деган бир оғиз сўзи, болаликда юрган кўчаларимиз, биринчи устозимизнинг овози... қайси томонга кетмайлик, барибир, соғинадиган манзилимиздир. Шунинг учун ҳам Ватаннинг меҳри ўлчанмайди. Уни ҳарорат кўрсаткичи билан ҳам, масофа билан ҳам, йиллар билан ҳам белгилаб бўлмайди. У инсоннинг қалбиди бўлади. Қалбдаги бу илиқлик эса бир кун келиб, бизга яна ўша тонгни, ўша нонвойхона, ўша таниш кўчани соғинтириб қўяди...

Шу хаёллар билан қўлимда икки дона иссиқ нонни олиб, нонвойхонанинг эшигидан чиқдим. Ич-ичимдан шуни англадимки, ноннинг иссиғи қўлимни иллатади, Ватаннинг ҳарорати эса бутун умримга қувват беради.

**Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” муҳбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-68-сон Фармониға мувофиқ, Баҳоуддин Нақшбанднинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Илм, маърифат ва маънавият йўлида: Баҳоуддин Нақшбанд мероси

Нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутафаккир ва маърифатпарвар Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг бой меросини чуқур ўрганиш, унинг инсон камолоти, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва эзгуликка чорловчи ғояларини илмий асосда тадқиқ этиш муҳим аҳамиятдан иборат.

Марказнинг асосий вазифаларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати алломаларининг инсонпарварлик ғояларини илмий ўрганиш, уларнинг маънавий-маърифий меросини ёш авлод онгига сингдириш, ёшларни бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва эзгулик руҳида тарбиялашдан иборат.

Шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида “Ўзбекистон — бағрикенг диёр”, “Ақидапарастлик ва радикализмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари”, “Радикализм ва мутаассибликнинг салбий оқибатлари” каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар ёшларда тинчликсеварлик, бағрикенглик, ватанпарварлик ва миллий-умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидан

яна бири Нақшбандия таълимотининг Марказий Осиё ва жаҳон маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнини илмий жиҳатдан ўрганишдир. Бу жараёнда манбалар, қўлёзмалар ва илмий адабиётлар таҳлил қилиниб, таълимотнинг турли даврлардаги ривож тадқиқ этилмоқда.

Айни пайтда марказда олиб борилаётган илмий изланишлар Баҳоуддин Нақшбанд меросини янги манбалар ва замонавий илмий ёндашувлар асосида ўрганишга қаратилмоқда. Бу эса аллома таълимотининг тарихий ва маънавий аҳамиятини янада кенгрок очиб бериш, унинг эзгу ғояларини бугунги авлод ҳаёти билан уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Буюк аждодимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, нафақат, ўтмишни англаш, балки, келажак авлоднинг юксак маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилади. Шу боис, Баҳоуддин Нақшбанднинг илмий-маънавий меросини асраб-авайлаш, тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

**Комила Очилова,
Баҳоуддин Нақшбанд
илмий-тадқиқот маркази
мутахассиси,
Дилафрўз Ғуломова,
бош илмий ходим.**



ВА МЕН...



Мен бу саволга жавобни онам айтган аллалардан топдим. Уша аллаларда Ватаннинг овозини тингладим. Гўдак сокин уйқуда ётган бешикда унинг меҳрини кўрдим. Демак, Ватан бешикдан бошланади. Ҳар гал бувамнинг ҳовлисига кирар эканман, болалигимнинг энг завқли онлари кўз олдимда гавдаланади.



Видеолавҳани QR
орқали кўринг.

МУСТАҚИЛЛИК: КЕЧА ВА БУГУН

Бувам кўз тегмасин, дея остонага тақа қоқардилар. Момом қиз набиралари гулдек хушрўй бўлсин, деб бошларига гулчамбар тақардилар. Опамнинг қошига қўйилган ўсмада Ватаннинг чиройини, укамнинг осмон билан бўйлашиб учган ҳалинчагида эса унинг қувончини туярдим. Мен Ватанимни унинг остонасида меҳнат қилаётган ҷумолиси, яшнаб турган майсаси билан ҳам севаман. Ёзнинг кўзни қамаштирувчи қуёши, қишнинг юзни чимчилаб ўтувчи совуғи ҳам мен учун нон каби азиз. Ватаннинг қадрини инсон ундан узоқлашганда янада чуқурроқ ҳис қилади.

Бугун яхши ҳаёт, илм ёки меҳнат излаб, чет элга кетаётган юртдошларимиз кўп. Улар янги шаҳарларни кўради, янги одамлар билан танишади. Аммо, қалбидаги бўшлиқни ҳеч нарса тўлдиролмайди. Онасининг овози, ҳовлисидаги тут дарахти, маҳалласининг тор кўчаси, таниш ҳидлар, байрам кунлари оила давраси уларнинг энг катта соғинчига айланади. Чунки Ватан соғинчи инсон юрагидаги энг оғир ва энг муқаддас туйғулардан биридир.

Ватан фақат бешик, ҳовли ва соғинчдан иборат эмас. У айни пайтда миллат сифатида эркин яшаш, ўз овозинг билан гапириш, ўз тақдирингни ўзинг белгилаш ҳуқуқидир. Ва бу ҳуқуқ мустақилликдир. У осмондан тушмаган, аждодларимиз асрлар оша орзу қилган, бугун эса халқимизнинг кўлида турган энг улуғ неъматдир.

Бугун аксар давлатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига тажовузлар содир этилмоқда, қуролли можаролар авж олмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбе-

кистон ўзининг тинчликсевар, очик ташқи сиёсати билан халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Давлатимиз барча мамлакатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, низоларни фақат мулоқот ва дипломатик йўл билан ҳал этиш тамойилига қатъий амал қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойилларига содиқ қолиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Марказий Осиёнинг маданият, илм-фан чорраҳаси бўлган Ўзбекистон ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва минтақада юксак тараққиётни таъминлаш йўлида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Шу ҳолатда юрак-юрагимдан туяман: Ватан шунчаки яшайдиган жой эмас. У инсоннинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бирлаштириб турадиган муқаддас замин. Шу замин бизга тил берди, исм берди, тарбия берди. Агар ўз билимимиз ва садоқатимиз билан юрт тараққиётига ҳисса қўшсак, буюк юртимиз янада обод ва қудратли бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мен учун Ватан онамнинг алласидаги меҳр, бувамнинг остонасидаги дуодир.

Хусан Ҳакимов,
“БҮО” мухбири.

ИМКОНИЯТ, ТАШАББУС ВА НАТИЖАГА АЙЛАНГАН ЁШЛАР СИЁСАТИ

(давоми, боши 1-бетда)

Ватанпарварлик - қалбдаги туйғудан амалий тарбиягача

Қорақўл туманидаги 99233-ҳарбий қисм гарнизонида “Биз ёшлар гиёҳ-вандликка қаршимиз!” шиори остида “Очиқ эшиклар куни” ҳамда “Шижоат ва ғайрат” ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилиб, 520 нафардан ортиқ ёш қамраб олинди. Бухоро шаҳридаги 522-ҳарбий қисмда уюшмаган ёшлар ўртасида “Жасорат мактаби” ийғинлари ташкил қилиниб, 100 нафар ёш иштирок этди. 493 та тадбир ўтказилиб, 24 217 нафар ёш қамраб олинди.

Билимли ёшлар – мамлакатнинг энг катта капитали

Бухорода хорижий тилларни ўрганишга катта қизиқиш бор. “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида мобил илова орқали хорижий тилларни онлайн ўрганаётган ёшлар сони 212 007 нафарга етди. Уларнинг 42 428 нафари тилларни юқори даражада ўзлаштириб, сертификат олди.

“Заковат” тўғраги ташкил этилиб, уларга 45 136 нафар ёш қамраб олинган. Ўзчес платформаси орқали 56 940 нафар ёш шахмат тўғракларида жалб этилди. “Устоз АИ” лойиҳасида 29 782 нафар ёш касб-хунар ўрганоқда.

Ёшларнинг китобга муносабатини ўзгартиришга қаратилган “Мутолаа” лойиҳасида 97 523 нафар фойдаланувчи иштирок этиб, улар томонидан 414 011 та китоб мутолаа қилинди.

Хорижий тилларни билишнинг амалиётдаги самараси ҳам кўринмоқда. Жорий йил халқаро имтиҳон тизимларида юқори натижа қайд этган 665 нафар ёшнинг имтиҳон харажатлари — 1,5 миллиард сўм миқдорида тўлиқ қоплаб берилди.

“Беш ташаббус” - минглар ёшларни бирлаштирган майдон

Бухородаги 10–30 ёшлилар орасида спорт йўналишида 766 468 нафар, танловларда 189 142 нафар, адаптив спорт йўналишида 9 979 нафар, жами 965 589 нафар ёш рўйхатдан ўтди.

Бухоролик ёшлар республика миқёсида ҳам ўз сўзини айтмоқда. “Ёш китобхон” танловида 1 та олтин ва 1 та бронза медаль, киберспорт мусобақасида эса 1 та кумуш ва 1 та бронза медаль қўлга киритилди.

Ёшлар учун янги муҳит: кутубхонадан олимпиадагача

6 та туман ва шаҳарда “Ёшлар маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Бироқ, ёшларга яратилган муҳитни фақат замонавий марказлар билан ўлчаб бўлмайди.

Олот тумани “Мухтор” маҳалласида замонавий лойиҳа асосида барча қулайликларга эга шинам кутубхонанинг барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани ҳам ана шу эътиборнинг амалий намунасидир.

Китобхонлик ўз самарасини бермоқда.

Ёшлар ойлиги – ташаббуслар майдони

Ёшлар ойлиги доирасида вилоят ва барча туман-шаҳарларда “Ташаббуслар марафони” ташкил этилди. Унда ёшлар ўз истеъдод ва иқтидорини намоён этиб, янги ғоялар билан чиқиш, тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни “Ёшлар куни” сифатида турли даражадаги раҳбарлар ва ёшлар ўртасида очик мулоқотлар ўтказилаётгани ҳам ёшларнинг фикрига қўлоқ тутишга қаратилган муҳим қадамдир.

Бухоронинг эртанги куни унинг ёшлари кўлида

Мустақилликнинг 35 йиллиги арафасида Бухорода ёшларга яратилаётган имконияتلарга назар ташлар эканмиз, энг катта натижа рақамларда эмаслигини англаймиз.

Шу ўринда юқоридаги рақамлар натижадорлигига эътибор қаратадиган бўлсак, 70,4 миллиард сўмлик кредит - ўз бизнесини бошлаётган ёшнинг орзуси. 4 минг гектардан ортиқ ер эса меҳнат қилиб даромад топиш имконияти. 14,2 миллиард сўмлик “Ёшлар дафтари” кўмаги ўз ҳаётида қийин вазиятга тушган ёшларга берилган мадад. 212 мингдан зиёд хорижий тил ўрганаётган ёш, бу - дунёга очилаётган янги авлод. 414 мингдан ортиқ мутолаа қилинган китоб маърифатга интилиш саналади. 965 мингдан зиёд ёшларнинг “Беш ташаббус олимпиадаси”да рўйхатдан ўтиши — ҳаракат, рақобат ва ташаббусдир.

Энг муҳими, бу рақамларнинг ҳар бири ортида бир инсон бор, бир ёш бор. Уларнинг орзуси, мақсади ва келажаги бор.

Бугун Бухорода ёшлар учун яратилаётган муҳит ана шу келажакни барпо этишга хизмат қилмоқда. Зеро, мустақилликнинг энг катта бойлиги — эркин фикрлайдиган, билимли, ташаббускор ва Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган авлоддир.

23 йилдирки, кўзойнак тақаман. Болажоним менга "сизга балиқ олдим, она, кўриш қобилиятини яхшиларкан", - деганида хаёлларим хотира дафтарини варақлай кетдим...

ЮРАГИМНИНГ ПОДШОСИ БОЛАМ

2004-2005-йиллар. Дас-турхонимизда буханка нон, шакар, икки дона қайна-тилган тухум, уни ҳам учга бўлардим. Баъзан картошка бор-у, ёғ йўқ, макарон бўлса, картошка ва ҳоказо... Гоҳида бир дона буйрак олиб, ёғда пиёз билан қовурсам, бир лаган бўларди. Болаларим-ни ейишини кўрганда эса томоғимга нимадир тиқиларди...

Ҳафта охирида музқай-моқ, ширинлик олиб берардим. Каттаси 13 ёшда, кичиги 9 ёшдалигида гўшт бозорида арава тортиб юришиб, ту-ғилган кунимга тилло занжир совға қилишгани ҳамон эсимда. Мен учун энг азиз, энг қимматбаҳо совға эди бу. Пулни қаердан олишганини сўраганимда, шундай жавоб қайтаришган:

- Бироз ишладик ва 3 ойдан бери Жамила опамга ҳар куни пул бериб, керакли суммани тўплادик, она...

Ўша пайтларда на тўйлар-га, на байрамларга борар-дик. Пойтахтда яшаб туриб, бирор марта концертга бормаган оила - бу бизнинг оиламиз бўлса керак. Болаларимни гоҳида музейга, паркларга олиб борардим.

Ўшанда ҳам ҳеч қандай каруселларга учинмаган ёки музқаймоқ ейишмаган. Кабоб еб ўтирганларга, гарчи, буни исташса-да, ҳатто, қайрилиб ҳам қарашмас эди болажонларим.

Шукурки, улар улға-йиб меҳнатга ўрганишди. Сабр, ростгўйлик томонда бўлишди. Мен учун дунёда-ги энг меҳрибон ва сирдош фарзандларга айланишди. Афсуски, Олий таълимга ўқитишга кучим етмади. Шунга қарамай, ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишди.

Лекин, мен учун болаларимнинг ҳар бир иши, солиҳ амали қувончли.

"Она, сиз фақат дуо қилиб туринг, дуоларингизга эҳтиё-жим бор, шамоллаб қолсам ҳам тез оёққа туриб кетаман, биласизми. Чунки, сиз дуо қилиб ўтирасиз, биламан",- дейди тўнғич ўғлим.

Ҳа, фарзандларимни бойликда ўстира олмадим, бироқ, уларнинг тарбиясини яхши қилдим. Муҳтожман деб, уларни ўғрилиққа, каззобликка ундамадим. Ҳақиқий бойлик аслида ҳам шу эмасми?

Машҳарабегим Исакова

Ука

Кечқурунга қараб келсан-гиз бўларди. Кошки, кўлимдан пишир-тушир келса. Токчада қанд-курс бор, еб туринг!-деди ғудирлаган кўйи опасининг келганидан асаблари таранглашганини сездириб қўйиб ука.

Опанинг кўнгли яна бир дарз еди.

- Мен егани келмадим, укажон! Сени бирровга кўргани келгандим.

- Ҳа, энди айтаман-да. Тинчгина уйингизда ўтирсангиз бўлмайdimи? Сизни жўнатиб қўйиш учун машина керак. Ўзим-ни машинада эса бензин йўқ. Ҳозир биласиз, бензин фалон пул турса...

Гулсанам жимиб қолди. Нафаси томоғига тиқилиб қол-гудек бўғилди. Ўрнидан зўрға кўзгалди. Боши ҳушдан ошгудек бўлиб, деворларни ушлаган кўйи секин ташқарига чиқди.

- Яёв келдим, яёв кетаман, соғ бўлсанг бўлди. Соғингандим, меҳрингга бир тўйя, деб келгандим, жоним укам. Буйларингга опанг қоқиндик. Бемаврид келганим учун кечир, укажон, кечир!-ич-эти парча-парча бўлиб, ота-онаси хиди қолган ҳовлининг дарвозаси томонга йўналди.

Бу пайтда укаси боғдаги гул остига ишлов бераётганди. Ё опасининг дарвозадан чиқиб кетишини кўрмай қолди, ёки ўзини кўрмаганга солди.

Гулсанам йўлбўйи кўз ёшга ғарқ бўлди. Ота-онасидан етим қолишгач, шу укасини уйли-жой-ли қилиб, иш-хунарли қилгач, ёши ўттиздан ўтиб, рўзғор тутганини, қанча-анча қийин йўлларни босиб ўтганини бир-бир кўз олдидаб ўтказди...

Чангли, қумли йўлларни йиғлаб-йиғлаб, босиб-босиб ўтаётганди, катта бекат бошига

бормай туриб, укаси машина-сида чанг тўзитиб, шундоқина ёнидан ўтиб кетди.

- Опа, тирик бўлсак кўришар-миз!-дея совуққина гапирди-да, ҳатто, машинани тўхтатмади: "ўтиринг, бекатга ташлаб кўя-ман!"-ҳам демади.

Гулсанамнинг кўнглидан ўша кезде нима кечди, бизга ноаён. У фақат кўз ёш тўкиб борарди...

Орадан унча кўп вақт ўтмади. У машинасини катта тезликда ҳайдаб кетди. Катта йўлга етиб ҳам бормаган эди. Бирдан машинанинг қаттиқ зарб билан ғийқиллаган овози эшитилди. Машина кескин тормоз бериб, бошқарувдан чиқиб кетди. Атрофга чанг-тўзон кўтарилди. Бирпасда воқеа жойига одамлар йиғилди. Шовқин-сурон, "қий-чув" бошланди...

Ука машинасини юқори тез-ликда ҳайдаб, икки фарзандини етаклаб келаётган бир аёлни су-риб кетиб, ўзи симёғочга урилиб, пахта ер майдонига ағдарилиб кетганди.

Гулсанам хуш-беҳуш ота уйига қайтди...

У укаси ва келинининг ка-фанланаётган жасади устида автохалокатда енгил жароҳат олган икки жиянини бағрига босганча: "укамдан қолган ёдгорларим" деб ўқиб-ўқиб йиғларди...

Гулчеҳра Болтаева,
Жондор тумани.

Гулсанам укасиникига кириб борганида, у ҳовлидаги боғга қараётган эди. Опа укаси-дан олисдан яшаётгани учун уни тез-тез кўргиси келарди. Ота-онасидан ёдгори...

Гулсанамнинг укаси билан кў-ришиш учун қулоч очган кўллари ҳавода қолди.

- Опа, кўлларим чанг-чунг, боринг, уйга кириш, ишимни тугатиб, кейин кираман!-деди.

"Мен сени уйингни кўргани келганим йўқ!"-уйланди кўнгли алланечук бўлган Гулсанам.

Уйга кирди. Ота-онаси-нинг деворда осиглик турган

суратлари ҳам кўринмайди. Урнида картинка илиб қўйиш-ган.

- Келинингиз ҳам болалар билан онасиникига меҳмон-га кетганди. Мен ҳам ҳозир ишимни тугатиб, жўраларим билан чойхонага чиқиб кетмоқ-чи бўлиб тургандим. Бир оғиз ҳам огоҳлантирмай келибсиз, опа.

АМИРНИНГ “СОЛИҚ ДАФТАРИ” ДА ЯШИРИНГАН БУХОРО ТАРИХИ



Бухоролик журналист, тарихий-илмий тадқиқотчи Ибодат Ражабова ҳамда мустақил тадқиқотчи Ҳамза Салимов билан Бухоронинг қадимий шаҳарлари, қабристонлари ва жой номлари тарихи ҳақида суҳбатлашдик. Тадқиқотчилар фикрича, Бухоронинг ҳар бир қишлоғи, ариғи, тепалиғи ва қабристониди тарихнинг муҳим излари сақланган.

- Бухоро тарихини ўрганишда “солиқ дафтари” қандай аҳамиятга эга?

Ибодат Ражабова: Бухоро амирлиги даврига оид бу ҳужжатлар ижтимоий, иқтисодий ва этнографик тарихни ўрганишда жуда муҳим. Амирлик ҳар йили 1743 та қишлоқдаги 63 456 та ҳўжалиқдан йиғиладиган солиқлар ҳақида маълумот юритган. 1924 йили бу маълумотлар “Халқ турадиган жойларнинг рўйхати” номи билан нашр этилган. 2017 йилда музейшунос Ахтам Аҳмедов архивдаги араб алифбосидаги матнларни қайта ўрганиб, илмий муомалага киритди. Ҳужжатда қишлоқлар номи, аҳоли таркиби, ҳўжаликлар сони, масжидлар, марказдан узоқлиғи ва қайси кентдан тарқалгани ҳақида маълумотлар бор.

- Манбада нималар эътиборингизни тортди?

Ибодат Ражабова: Бугунгача сақланиб келаётган кўплаб қишлоқ номлари ортида минг йиллик тарих борлиғи қизиқ. Айниқса, 220 та қишлоқнинг келиб чиқиш жойи сифатида қайд этилган Сиплон кенти бизни жиддий изланишга ундади. Бугун хариталарда учрамайдиган Сиплон амирлик даври ҳужжатларида катта тарихий марказ сифатида намоён бўлади. Авшор, Ваҳмкор, Кўли Ҳорун, Кулонхона, Навметан, Работи Қози, Тали Алиён, Ўтрор каби кўплаб қишлоқлар Сиплон билан боғланган. Бу уни атрофида кўплаб аҳоли масканлари шаклланган қадимий марказ бўлганини кўрсатади.

- Қадимий жой номларини қандай ўрганасизлар?

Ҳамза Салимов: Жой номлари тарихнинг тилда сақланган изларидир. Уларнинг қадимий шакли, маъноси ва ёзма манбалардаги кўринишини қиёсий ўрганиш керак. Масалан, Сокта-

ре номи “Суғдтаре” — суғдлар яшаган кент маъносидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Гаждумак қадимий “бозор” атамаси билан боғлиқ. Тезгузарнинг асл шакли “Диза гузар” бўлиб, қалъа ёки кентга ўтиш жойини англатади. Ревгарий кўмили тупроқли ҳудудни, Заҳкаш зах сув чиқадиган жойни, Жилвон эса қадимий сўғдча “чўпон, чўлбон” маъносиди сўзлар билан боғлиқ. Демак, ҳар бир ном ортида давр, касб, табиат ёки тарихий воқеа яширинган.

- Сиплон изини қаердан қидирдингизлар?

Ибодат Ражабова: Аввало, туманлардаги қабристонлар ва ёши улуг кишиларнинг хотираларига мурожаат қилдик. Йўқолган шаҳарлар номи кўпинча қабристон, тепалик ва халқ хотирасида сақланиб қолади. Изланишлар давомида Сипадмун қабристони ҳақида муҳим маълумотга эга бўлдик.

- Сипадмун ва Сиплон ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Ибодат Ражабова: Самъонийнинг “Насабнома” асарида

Сибадмун қишлоғи Бухоро шаҳристонидан ярим фарсах узоқликда жойлашгани айтилган.



У ердан чиққан Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Калободий ас-Сибадмуний ва Абу Солиҳ Маъруф ибн Мансур ас-Сибадмуний каби олимлар ҳам тилга олинади. Бу ном кейинчалик Сафедмун, Сипадмун, Сиплон каби шаклларга

ўзгарган бўлиши мумкин. Жой номларининг асрлар давомида товуш жиҳатидан ўзгариши табиий.

- Сиплоннинг қадимий қатламларини излашда яна қайси манбалардан фойдаландингизлар?

Ҳамза Салимов: Архив ҳужжатлари, ёзма манбалар, халқ хотираси, жой номлари ва археологик белгиларни бир-бири билан солиштирдик. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги Афросиёб ва унинг авлодлари билан боғлиқ номлар ҳам йўналиш берди. Оржон, Уржон, Уржонтепа каби номларни ўрганишда қадимий илдизлар Афросиёб авлодлари билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрганимиз.

- Демак, Сиплон Афросиёб даври билан боғлиқ бўлиши мумкинми?

Ҳамза Салимов: Бу ҳозирча илмий фараз. Қиёсий таҳлиллар бу эҳтимолни кучайтиради. Фаразимишча, ҳудудда қадимда “Сурха” номи билан

- Сиплоннинг таъсир доираси ва ундан тарқалган қишлоқлар ҳақида нималарни айтиш мумкин?

Ибодат Ражабова: Навметан, Работи Қози, Ўтрор, Тали Алиён каби қишлоқларнинг Сиплондан тарқалгани унинг таъсир доираси кенг бўлганини кўрсатади. Масалан, Навметанни бугунги “янги газ” тушунчаси билан боғлаш нотўғри. Бу ном “янги макон”, “янги яшаш жойи” маъносини англатади. Сиплондан кўчган аҳоли серсув ариқлар бўйларига жойлашиб, янги қишлоқлар барпо этган бўлиши мумкин.

- Жой номлари орқали халқнинг турмуш тарзини ҳам билиш мумкинми?

Ҳамза Салимов: Албатта. Масалан, Пизишкон табиблар, Кемухгарон китоб муқоваси тайёрловчилар, Пинжон пиллакорлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушот, Ушин, Ушмиён каби номлар эса тоқзор ва узумчиликка ишора қилади. Демак, топонимлар ўша ҳудудда қайси касблар ривожланганини ҳам кўрсатади.

- Бу изланишларни китоб шаклида давом эттириш ниятингиз борми?

Ибодат Ражабова: Албатта. 220 та қишлоқ ва уларнинг Сиплон билан боғлиқ тарихи бир мақолага сиғмайди. Ҳар бир қишлоқ номи ортида алоҳида қисса бор. Биз тарихни фақат подшоҳлар, урушлар ва сиёсий воқеалар орқали эмас, қишлоқ номи, ариқ, тепалик ва қабристонлар орқали ҳам ўрганишимиз керак.

Тарихий мерос сотилмайдими?

Ибодат Ражабованинг айтишича, мустақил тадқиқотчиларнинг изланишларига хорижлик, жумладан, турк олимлари ҳам қизиқиш билдирган. Улар Афросиёб тарихи билан боғлиқ маълумотларни ўзлари тузган махсус жамғармага беришни таклиф қилган. Бироқ тадқиқотчи бу таклифни рад этган.

Унинг фикрича, хорижлик олимлар билан илмий ҳамкорлик зарур, аммо Бухоро ва Афросиёбга оид асосий тарихий далиллар ўз юртимизда сақланиши керак. Бу маълумотлар оддий товар эмас, балки халқнинг маънавий бойлиғидир.

- Тадқиқотчининг вазифаси фақат ўтмишни тиклаш эмас, уни англаш ҳамдир. Жой номлари аجدодларимиз қаерда яшагани, қандай меҳнат қилгани ва қандай шаҳарлар барпо этганини кўрсатади. Сиплон тарихи ҳам ер остида қолган шаҳарлар, ўзгарган номлар ва унутилган манбалар орқали Бухоронинг яна бир саҳифасини очмоқда. Тарих — халқ хотираси. Хотира эса асраш учун берилган омонатдир, дейди Ибодат Ражабова.

Суҳбатдош:
Лайло Ҳайитова



Исмдош, отдош	→	Бахшида	Қулоқ-томоқ шифо-кори	Вулқон Япония	...-ахлоқ	→	Бас қил, бўлди	Улуш, ҳисса	Орқа (синоним)	Совуқ (қад.)	→	Татарча димлама	Рейн дарёси ирмоғи	Номаълум сон		
Пайкал, экинзор	→	↓	↓	↓	Темир-йул уста-хонаси	→	↓	↓	↓	Мар. Африкадаги дарё	→	↓	↓	↓		
Граф мушкетёр	→				Қўй подаси, сурув	→				Бармоқ тақинчоғи	→					
↗					Ҳазал мисраси ғалча, довдир	→				Университет босқичи Айёр, шум	→					
Имомимика	Ада (шевада)	Сигир (шевада)	Онг, шуур	Офат	↓	Самоа пул бирлиги		Қадимги чўт	Қоч, ... тур	↓	Қўшиқлар ...-паради	Чўзилуван конфет	Қадар, довур	... Ўтар (шоир)		
Қандли ва қандсиз ... (қасаллик)	↓	↓	↓	↓		↓	Ободончилик маъбуди («авесто»)	↓	↓		↓	↓	↓	↓		
Туркия пойтахти	→						Аббос (актёр)	→								
Брокер (ўзбек.)	→						Шимоллий қутб	→								
↗			Ҳа (хоразмча)	→			Игорь Эмилевич ... (фокусчи)	→			2-шахс кўплик	→				
«Тик-...» (драже)	Анод акси	Япониядаги шаҳар	Италия футбол жамоаси	Анонс							От-... (қадимий улов)	Жоҳил, аҳмоқ	... Фаёзова (актриса)	Католиклар руҳонийси		
Велосипед русуми	↓	↓	↓	↓						→	Пакана буйвол	↓	↓	↓	↓	
Меҳмет (турк шоири)	→										Қийшиқ квадрат	→				
Дили бошқа, ... бошқа	→										Ёзувчи, ижодкор	→				
Ўт, аланга	→										Корея пули	→				
↗											Ра қизи (миф)	→				
Қовун тури	Гул тури	Сигир суддони	Фильм, сериал	Симбанинг амакиси	Эҳтиёж, зарурат	→	Тулки (русча)	Заҳарли судра-лувчи	↗	АҚШ даги штат	Нерв тизими	«Мона ...» (расм)	Озғин	Гулдон		
Майизли пишириқ	↓	↓	↓	↓	... Мажлис (парламент)	→	↓	↓		Александр ... (реж. Россия)	→	↓	↓	↓		
Салом-...	→				Пардоз, сайқал	→				Ҳеч қачон, асло	→					
... Черязова (спортчи)	→				Бўйсунмас, тутқич бермас	→				... Несин (ҳажвчи)	→					
Мева номи	→				Вужуд, гавда	→				Ботқоқ «бул-бул»и	→					